

*Афсуски, биз Асосий қонунимиз ҳақида Конституция байрамига ўн-ўн беш кун қолганда гапира бошлаймиз. Ҳолбуки, Конституцияни, унинг ғояларини ўрганиш ва ўргатиш барчамизнинг доимий вазифамиз бўлмоғи зарур.*

*Эсингизда бўлса, бу масала бўйича бундан анча йиллар олдин Олий Мажлис қарори ҳам қабул қилинган эди. Лекин ўтган даверда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳаётимизда кўп нарса ўзгарди. Бинобарин, энди бу қарорни янгилаш, унга замон руҳини сингдирин зарурати пайдо бўлмоқда.*

*Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси биз учун дастуриламалга, ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Бунинг учун Асосий қонунимизни умумтаълим мактабларида, олий ўкув юртларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак.*

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТЛАРИ

*Ўзбекистонда чорак асрдан ортиқ вақт мобайнида рўй беравётган муҳим ўзгаришлар, айниқса, қонунларимизнинг либераллашуви, парламент испоҳотларини амалга ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳолига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги шартшароитларни тубдан яхшилаш Конституциямиз қоидалари ва талабларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.*

Асосий Қонунимизда фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари мустаҳкамланганлиги, уларнинг дунё стандартлари, халқаро ҳуқук тамойилларига тўла мослиги, сиёсий ва иқтисодий кафолатлари тизимининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётганлиги эътироф этиб келинмоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқларига оид қоидаларнинг амалга оширилиш механизми, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш қоидалари ва тамойиллари ўз ифодасини топган. Зоро, демократик фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқларининг устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. Худди шундай талаблардан келиб чиқиб, Конституция ва қонунларимизга асосан, инсон шахсини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини йилдан йилга такомиллаштириш, халқимиз фаровонлиги,



уларнинг яшаш шарт-шароитлари тобора яхшилашини таъминлаш, ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқларининг сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий-ташкилий кафолатлари такомиллашиб бормоқда. Конституциямизнинг 43-моддасида белгиланганидек, "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди".

Айниқса, халқимиз фаровонлигининг энг зарур шартларидан бири бўлган уй-жой, коммунал хиз-

мат кўрсатиш соҳасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқук ва имкониятларини кафолатлаш йил сайин тақомиллаштириб борилиши таҳсинга сазовордир. Шу боис, мамлакатимизда коммунал хизмат соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланиши, уй-жой фондларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш, аҳолини ичимлик суви, иссиқлик таъминоти, канализация хизматларини янада яхшилаш чора-ларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Коммунал соҳа фуқароларнинг яшаш, соғлиқни сақлаш, уйли-жойли бўлиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда мамлакатимиз худудий инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унинг фаолияти фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни шакллантиради, уй-жойлар ва аҳоли пунктларининг ҳар жиҳатдан шинам ва кулай бўлишини таъминлайди.** Мазкур соҳанинг тараққиёт даражаси ва фаолият самарадорлиги аҳолининг шунга мос ҳаёт сифатини шакллантиради, турмуш даражаси ва ҳаёт тарзини акс эттиради, иқтисодий салоҳиятни янада юксалтириш омилларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Буларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, сифатли коммунал хизмат – соғлом жамиятни, фаровон ҳаётни, қисқа қилиб айтганда, ҳуқуқларимизни таъминлаш гарови бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада кулай ва муносиб ижтимоий-маший шароитлар яратиш, 2017–2021 йилларда мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг барча худудларда сифатли ичимлик сувидан фойдаланишини таъминлашга қаратилди.

Мазкур қарор билан қуйидаги дастур ва лойиҳалар тасдиқланди:

10,2 минг километр ичимлик суви қувурла-ри ва тармоқлари, 1 677 та сув чиқариш қудуғи, 1 744 та сув минораси ва резервуари қуриш ҳамда реконструкция қилиш, 1 440 дона насос ускунаси-ни ўрнатиш назарда тутилаётган туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг йигма ва манзилли параметрлари; 20 та ичимлик суви таъминоти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, 302 км дан иборат сув ўтказиш ва водопровод тармоқларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу муҳим ҳаётий вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожи, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод бўлиши, халқимизнинг ҳаёт даражаси

ва сифати юксалишига, фуқароларимизнинг ҳуқук ва эркинликларини амалга оширишга мустаҳкам замин яратишга хизмат қиласди. Зоро, бундан бўён нафақат эски қолипларда ишлаш, балки эски қолипларда яратилган ускуналарни ҳам алмаштириш пайти келди.

Мамлакатимизда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 1950–1970 йилларда очиқ сув тақсимоти ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилинган. Монтаж қилишда кам маблағ сарфланадиган, аммо фойдаланишда катта микдорда маблағ талаб қиласди. Бундай марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларининг камчилиги ички иситиш тизими ва иссиқлик тармоқлари қувурларининг хизмат қилиш муддати қисқалиги, иссиқликни ишлаб чиқариш, транспортировка ва истеъмол қилишда эксплуатация харажатларининг юқорилиги, тармоқлар орқали сув узатиш ва иссиқлик қуввати таъминотида белгиланган меъёрдан ортиқ маблағ сарфланиши билан ифодаланади. Бугунги кунда қозонхона ускуналари ва тармоқларнинг ўта эскиргани сабабли, мавжуд иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик манбаларидан мақбул даражада фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти, бу эса, иссиқлик таъминоти корхоналари фаолиятига, истеъмолчиларни иссиқлик хизмати ва иссиқ сув билан таъминлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп хонадонли уйлар, кўпинча, сертификатга эга бўлмаган ва ёнгин хавфсизлиги кафолатланмаган газ ва электр ускуналари билан иситилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимини замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида янгилаш ва модернизация қилиш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш мақсадида қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ҳаётимиз кўзгуси бўлмиш Конституциямиз ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларининг кафолатлари давлатимиз томонидан мунтазам равишда мустаҳкамлаб борилмоқда. Муҳими, фуқароларимиз ҳам уй-жой коммунал хизматлар соҳасидаги мажбуриятларини, айниқса, кўрсатилган хизмат ҳақларини ўз вақтида тўлаб борсалар, бу борадаги ишларнинг самарадорлиги янада ортади, ҳуқуқларимизнинг кафолатлари кундан-кунга тақомиллашиб бораверади.

**Холмурод НАЗАРОВ,  
Тошкент Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини  
механизациялаш мұҳандислари институти,**

**Экология ва сув ресурсларини бошқариш  
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди**